

ТОҒ-КОН САНОАТИ ИШЧИЛАРИНИНГ САЛОМАТЛИГИ ВА ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ БОШҚАРИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ

Маматкулов Б., Абдурахимов Б.А.,

Тошкент тиббиёт академияси.

✓ Резюме

Тадқиқот мақсади: Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчиларининг саломатлигини, хавф омилларини чуқур ўрганиш ва уларни яхшилаш, хавф омилларини олдини олиш бўйича тизимли комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Материал ва тадқиқот услублари: Ўзбекистон металлургия саноати ўз мавқеини йилдан-йилга мустаҳкамлаб бормоқда. Негаки, қудратли минерал-хомашё базаси ва тоғ-кон саноати корхоналарининг мавжудлиги туфайли мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасида қора ва рангли металл ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистон металлургия комбинати мамлакатимиз металлургия саноатининг энг илғорларидан ҳисобланади. Хусусан, ушбу соҳада Ўзбекистон рангли металлургиясининг байроқдори Олмалиқ кон-металлургия комбинати (КМК)да 40дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бўлган 40 минг нафарга яқин кончи-металлургия меҳнат қилишади. Шунинг учун металлургия саноати ишчилар саломатлигини ўрганиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олмалиқ КМК да ишлайдиган ишчиларнинг меҳнат шaroитлари, турмуш тарзи ва саломатлик ҳолатини ўрганиш учун биз кўп босқичли танлаб олиш усали (кластер, кетма-кет танлаш)дан фойдаланилди. Тадқиқот 2017-2020 йиллар учун морбидлик бўйича материалларни ўз ичига олган.

Қалит сўзлар: умумий касалланиш, касалланиш, нозологик шакллар, хавф омиллари, ногиронлик, металлургия саноати ишчилари.

СИСТЕМНЫЙ ПОДХОД К УПРАВЛЕНИЮ ЗДОРОВЬЕМ И ФАКТОРАМИ РИСКА РАБОЧИХ ГОРНОДОБЫВАЮЩЕЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Маматкулов Б., Абдурахимов Б.А.,

Ташкентская медицинская академия.

✓ Резюме

Цель исследования - Углубленное изучение состояния здоровья, факторов риска и их улучшения, разработка системных мероприятий по профилактике факторов риска работников Алмалыкского горно-металлургического комбината.

Материал и методы: Металлургическая промышленность Узбекистана из года в год укрепляет свои позиции. Ведь благодаря наличию мощной минерально-сырьевой базы и горнодобывающих предприятий наша страна занимает одно из ведущих мест по производству черных и цветных металлов в Центральной Азии. Узбекский металлургический комбинат является одним из самых передовых в металлургической промышленности страны. В частности, около 40 тысяч горняков и металлургов из более чем 40 национальностей и этнических групп работают на Алмалыкском горно-металлургическом комбинате (ГМК), знаменосце цветной металлургии в Узбекистане. Поэтому изучение здоровья работников металлургической промышленности является одной из актуальных проблем. Для изучения условий труда, образа жизни и состояния здоровья работников, работающих в Алмалыкском ГМК Республики Узбекистан, был использован метод многоступенчатого отбора (типологический, кластерный отбор). Исследование включало материалы по заболеваемости для 2017-2020 гг.

Ключевые слова: заболеваемость, структура заболеваемости, нозологические формы, факторы риска, инвалидность, рабочие металлургической промышленности.

A SYSTEMATIC APPROACH TO MANAGING THE HEALTH AND RISK FACTORS OF MINING INDUSTRY WORKERS

Mamatkulov B., Abdurakhimov B.A.,

Tashkent Medical Academy.

✓ Resume

The purpose of the study is an in-depth study of the state of health, risk factors and their improvement, the development of systemic measures for the prevention of risk factors for employees of the Almalyk mining and metallurgical plant.

Materials and methods: the Metallurgical industry of Uzbekistan is strengthening its position from year to year. After all, due to the presence of a powerful mineral resource base and mining enterprises, our country occupies one of the leading places in the production of ferrous and non-ferrous metals in the Central Asian region. The Uzbek metallurgical plant is one of the most advanced in the country's metallurgical industry. In particular, about 40 thousand miners and metallurgists from more than 40 nationalities and ethnic groups work at the Almalyk Mining and Metallurgical Combine (MMC), the standard-bearer of non-ferrous metallurgy in Uzbekistan. Therefore, the study of the health of workers in the metallurgical industry is one of the most urgent problems. To study the working conditions, lifestyle and health status of employees working in the Almalyk MMC of the Republic of Uzbekistan, the method of multi-stage selection (typological, cluster selection) was used. The study included materials on morbidity for 2017-2020.

Keywords: morbidity, structure of morbidity, nosological forms, risk factors, disability, workers of the metallurgical industry.

Долзарблиги

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, экспорт салоҳиятини ортириш, модернизация қилиш натижасида корхоналарнинг рақобатбардошлилиги ва самарадорлигини ортириш ушбу корхоналарда ишловчи аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш масаласи тиббиётнинг ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Аммо шунга қарамасдан сурункали касб касалликларини биринчи бор аниқланиш сони Ўзбекистонда бошқа давлатларга нисбатан сезиларли даражада пастлиги: АҚШга нисбатан - 188, Озарбайжонга нисбатан - 50, Японияга нисбатан - 34, Россияга нисбатан - 14 ва Беларусияга нисбатан - 3,5 марта камлиги аниқланган [4, 8].

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва миллий хавфсизлигини белгилайдиган жамиятдаги энг муҳим ишлаб чиқарувчи куч сифатида меҳнатга лаёқатли аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш давлатнинг энг муҳим ва устувор муаммоларидан бирidir [1, 2]. Замонавий иқтисодий шароитда саноат корхоналари ходимларига тиббий ёрдам кўрсатиш янада мураккаблашди [3, 5]. Тоғ-кон саноати ишчиларининг меҳнат шароитлари зарарлиги юқори бўлганлиги туфайли касбий касалланишни ва касбий хавфни баҳолаш муаммоси алоҳида аҳамиятга эга. Бироқ, сўнгги тадқиқотлар касбий касалланишнинг рўйхатга олинган даражаларининг унчалик ишончли эмаслигини кўрсатади, бу еса касбий хавфларни баҳолаш учун улардан фойдаланишни қийинлаштиради [9, 11].

Ўзбекистон тоғ-кон-металлургия саноати ўз даврида йилдан-йилга мустаҳкамлаб бормоқда. Негаки, қудратли минерал-хомуш базаси ва тоғ-кон саноати корхоналарининг мавжудлиги туфайли мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасида қора ва рангли металл ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди [6, 7]. Шунинг учун ҳам корхоналардаги ишчиларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш ундаги меҳнат шароити ва албатта ишчиларнинг саломатлик ҳолати билан узвий боғлиқдир. Бу еса саноат корхоналари ишчиларига кўрсатилаётган тиббий хизматни янада яхшилаш вазифаларини қўяди. Ўзбекистонда касб касалликларининг олдини олиш бўйича ёндошувлар айрим камчиликларга эга, яъни ҳозирги кунгача ишчилар саломатлигига таъсир этувчи хавф омилларини баҳоловчи прогностик жадвал ишлаб

чиқилмаган; иш шароитларини оптималлаштириш, ишчиларнинг саломатлигини яхшилаш бўйича илмий асосланган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган [8, 10]. Юқоридагилар ушбу мавзунини ҳозирги кунда ўта долзарблигини ва заруратини кўрсатади.

Тадқиқот мақсади - Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчиларининг саломатлигини, хавф омилларини чуқур ўрганиш ва уларни яхшилаш, хавф омилларини олдини олиш бўйича тизимли комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Материал ва услублар

Тадқиқот объектлари сифатида Олмалиқ кон-металлургия комбинати (ОТМК) танланди. Ўзбекистон Республикаси Олмалиқ КМК да ишлайдиган ишчиларнинг меҳнат шароити; турмуш тарзи; меҳнат шароити синфлари ва хавф омиллари; иш вақти хронометражи; ишловчилар касалланиши, овқатланиши ва касбий хавф кўрсаткичлари ўрганиш учун биз кўп босқичли танлаб олиш усли (типологик, кластер танлаш)дан фойдаланилди. Тадқиқот 2017-2020 йй учун морбидлик бўйича материалларни ўз ичига олган. Тадқиқот материалларини йиғиш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш жараёнида замонавий: эпидемиологик, ижтимоий-гигиеник, социологик, хронометраж, санитария-статистик, эксперт баҳолаш усуллари қўлланилди.

Натижа ва муҳокама

2017-2020 йиллар даврида ОТМК ишчиларининг саломатлиги натижалари таҳлил қилинди. Тошкент вилояти меҳнатга яроқли аҳоли назорат гуруҳи сифатида танланди. ОТМК корхонасининг ўсиши 1%. Касалланиш таҳлилида ишчилар касалланиши 26,5%га назорат гуруҳида еса бу кўрсаткич 6,2 эканлиги қайд қилинди. Корхонада ишлайдиганларнинг ўлим сабаблари таркибида деярли ярми (48%) жароҳат ва заҳарланиш, таққослаш учун олинган ҳудудларда уларнинг улуши 33 ва 37%ни ташкил қилган. Тошкент вилояти меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида онкологик касалликлар улуши 12%, ишчилар орасида 17%, бу 9% га юқори.

ОТМК ишчиларининг асосий ногиронлик даражаси меҳнатга лаёқатли аҳолидан юқори кўрсаткични ташкил этди. Унинг сабаблари таркибида онкологик касалликларнинг даражаси қайд этилди: 21,3% ва назорат гуруҳида 15,7% (1-жадвал).

Жадвал 1

Ишчилар саломатлик кўрсаткичлари

Тадқиқот объекти	2017 г.	2018 г.	2019 г.
Бирламчи ногиронлик кўрсаткичи (10000 ишчига)			
ОТМК	55,7	46,6	45,19
Назорат гуруҳи	50,3	48,9	41,3
Касб касаллари (10000 ишчига)			
ОТМК	20,5	17,6	7,98
Назорат гуруҳи	3,94	5,2	2,92

Касб касалликларга чалинган беморларнинг тақсимланиши 2-жадвалда келтирилган. Бу беморлар ичидан энг катта гуруҳни 51-60 ёшдагилар ташкил этди (2-жадвал).

Ишчиларда касб касалликлари ривожланишида иш муддатининг аҳамияти катта. Тадқиқот натижалари

шуни кўрсатдики. Иш стажи-10 йилгача- 10,0%, 20 йилгача - 30,4%, 20 йилдан ортиқ - 59,6%ни ташкил этди.

Олмалиқ тоғ металлургия комбинати ишларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик (ВМЛ) дан касаллинини ўрганиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

ОТМК касб касалликлари билан касалланганларнинг ёш бўйича тақсимланиши

Ёши	31-40	41-50	51-60	60 ёшдан катта
Касб касалликлари %	3,4%,	28,9%,	50,5%,	17,2%.

Касалликнинг даражаси ва структурасини, шунингдек, айрим етакчи нозологик шаклларни алоҳида-алоҳида ўрганиш ва таҳлил қилиш ишлаб чиқариш ва

тадқиқот давларида ҳам ўртача кўрсаткичлар бўйича амалга оширилиши тадқиқотнинг репрезентативлигини ошириш имконини беради.

Ишчиларнинг ВМЛдан касалланиш кўрсаткичлари (100 та ишчига нисбатан)

	Ўртача
Ходисалар сони	136,5
ВМЛ кунлари	1931,0
1 та ходисанинг ўртача давомийлиги	14,1

Вақтинчалик ногиронлик билан касалланиш структурасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, барча ишларнинг 74,1% ва барча иш қобилятининг 66,3% дан кўпроғи 5 касаллик синфларига тўғри келади: нафас олиш органлари, асаб тизими ва ҳиссий органлар, мушаклар-скелет тизими, овқат ҳазм қилиш органлари, қон айланиш тизими.

Иш тажрибасининг ошиши билан салбий ишлаб чиқариш омиллари таъсири остида ишлайдиган ходимларнинг касалланиш даражаси ошади.

Тез-тез ва узоқ муддатли касал бизнинг тадқиқотлар барча ишчилар сони 12,3% ташкил этди, лекин улар барча ҳолларда 37,7% ва ногиронлик барча кунларнинг 56,7%и қайд этилган. Касалликнинг ҳар бир классига учун тез - тез ва узоқ касалланувчилар ўзига хос вазини аниқлаш энг муҳим, бу кўрсаткичлар бундай жароҳат ва захарланиш, ўсмалар (100% касал), қон айланиш тизими касалликлари (63,9% касал), қон касалликлари (55,5%), юқумли ва паразитар касалликлар (46,1% касал), мушак-скелет тизими касалликлари (45% касал) каби касалликлар синфлардан иборат. Шундай қилиб, узоқ ва тез-тез касалликлар асосан нафас олиш тизими касалликлари, қон айланиш тизими, травма ва захарланиш, мушак-скелет тизими касалликлари ва бириктирувчи тўқима, асаб тизими ва ҳиссий органлар томонидан ҳосил бўлади.

Хулоса

Демак, Олмалиқ тоғ-кон-металлургия саноати ишчилари саломатлиги ва касалланишини ўрганишда қуйидаги хулосаларга келтириб чиқарди:

1. ОТМК да ишлайдиган ишчиларнинг касалланиш даражаси 135,8 ҳолат ва 1871,1 иш кунини учун 100 кун бўлиб, бу касалликнинг юқори эканлигини баҳолашга имкон беради. Касалланишларнинг асосини 5 та синф касалликлари ташкил этади: Нафас олиш тизими, асаб тизими, мушак-скелет тизими, овқат ҳазм қилиш тизими ва қон айланиш тизими касалликлари.

2. Касалланиш кўрсаткичлари сезиларли ёшга боғлиқлиги аниқланди. Касалланишнинг энг юқори даражаси 25 ва 50 ёшдан юқори бўлган ёшда кузатилади. Касалликнинг ёш хусусиятлари касбий маҳорат, малакаси ва даражаси ва ишчиларнинг ёши билан боғлиқ.

3. ОТМК ходимларининг оптимал меҳнат шароитларини яратиш мақсадида ишлаб чиқариш техно-

логияси ва ускуналари, жумладан, меҳнат жараёнини автоматлаштириш ва механизациялаш, иш ўринларини рационализация қилиш, қулай микроклим шароитларини яратиш, меҳнатнинг кескинлиги ва монотонлигини камайтириш зарур.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Агаджанян В.В., Красулина Г.П. и др. // Влияние запыленности воздуха на патологию органов дыхания у шахтеров Кузбасса и пути профилактики // Сибирский стандарт жизни: экология, образование, здоровье: Матер. науч.-практ. конф. - Новосибирск, 2007. - С. 96-99.
2. Адепинская Е.Е. // Особенности совершенствования методов диагностики при нейросенсорной тугоухости у шахтеров Восточного Донбасса // Бюллетень Научного совета "Медико-экологические проблемы работающих" - М., 2005. - №2. - С. 53-55.
3. Ибрагимова Г.З., Шамансурова Х.Ш., Хаширбаева Д.М. // Оценка рисков здоровью работников, меры по их предотвращению и контролю Гигиенические аспекты охраны окружающей среды, укрепление здоровья и благополучие населения - приоритетные направления здравоохранения Узбекистана / / Сб. науч. тр. науч.-практ. конф. с междунар. участием. - Ташкент, 2014. - С. 76-78.
4. Измеров Н.Ф., Гловокова Н.П. и др. // Современные проблемы медицины труда в горнодобывающей промышленности / / Медико-экологические проблемы здоровья работающих: Бюлл. науч. совета. - 2004. - №1. - С. 41-45.
5. Измеров Н.Ф., Денисова Э.И. // Профессиональный риск для здоровья работников // Руководство - М.: Тривант, 2003. - 448 с.
6. Исмаилова А.А. // Оценка здоровья горнорабочих и молодых специалистов, осваивающих горные профессии // Медицина труда и промышленная экология. - М., 2003. - №10. - С. 39-42.
7. Кривошеева С. С., Поздняк А. О., Ангилова Л. И. // Влияние условий труда в производстве синтетического каучука на здоровье рабочих // Гиг. и сан. - 2001. - С.47-49.
8. Международной статистической классификации болезней и проблем, связанных со здоровьем 10-го пересмотра. - Ташкент, 2000.
9. Онищенко Г.Г. // Концепция риска и ее место в системе социально-гигиенического мониторинга (проблемы и пути решения) // Вестник РАМН. - М., 2005. - №2. - С. 27-33.
10. Самилова Н.Р. и др. // Касбларни физиологик ва гигиеник паспортизациялаш, иш жойларини аттестацияси ва профессиограмма тузиш // Метод пособие. - Ташкент, 2004. - 12 с.
11. Ciolli A. // The medical resident working hours debate: a proposal for private decentralized regulation of graduate medical education. // Yale J Health Policy Law Ethics -2007 -Winter; Vol. 7 (1), P. - 175-228.

Келиб тушган вақти 09.11. 2020